

12-1-2020

ANALYSIS OF FINANCIAL STABILITY INDICATORS OF INSURANCE COMPANIES

J. Nosirov
Tashkent State University of Economics

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Nosirov, J. (2020) "ANALYSIS OF FINANCIAL STABILITY INDICATORS OF INSURANCE COMPANIES,"
International Finance and Accounting: Vol. 2020 : Iss. 6 , Article 10.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss6/10>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

Ж.Т.Носиров

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

СУҒУРТА КОМПАНИЯЛАРИ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Мазкур мақолада суғурта компаниялари молиявий барқарорлигини таъминлашнинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги аҳамияти ёритилган. Суғурта компанияларини молиявий барқарорлигини таъминлашнинг назарий ва амалий муаммоларига доир иқтисодчи олимларнинг ёндашувлари тадқиқ қилинган. Республикамизда фаолият юритаётган суғурта компаниялари молиявий барқарорлик кўрсаткичлари таҳлил қилинган ҳамда мазкур масалани такомиллаштириш доир хулосалари келтирилган.

Таянч иборалар: молиявий барқарорлик, тўловга қобиллик, молиявий коэффициентлар, ликвидлик коэффициенти, суғурта захиралари, устав капитал рентабеллиги.

J.T.Nosirov

Tashkent State University of Economics

ANALYSIS OF FINANCIAL STABILITY INDICATORS OF INSURANCE COMPANIES

Abstract. *This article highlights the importance of ensuring the financial stability of insurance companies in the development of the economy. The approaches of economists on the theoretical and practical problems of ensuring the financial stability of insurance companies have been studied. The indicators of financial stability of insurance companies operating in the country have been analyzed and scientific and practical proposals for the development of this issue have been developed.*

Keywords: *financial stability, solvency, financial ratios, liquidity ratio, insurance reserves, profitability of charter capital.*

КИРИШ

Ўзбекистонда молия бозорини ривожлантиришда унинг асосий сегментларидан бири ҳисобланган суғурта бозори фаолиятини тизимли таҳлил қилиш ҳамда суғурта компаниялари молиявий барқарорлигини таъминлашда хорижий илғор тажрибалардан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Таъкидлаш лозимки, кейинги йилларда мамлакатимизда суғурта бозори фаолиятини комплекс ривожлантириш борасида самарали ишлар амалга ошириб келинмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «суғурта, лизинг ва бошқа молиявий хизматларнинг ҳажмини уларнинг янги турларини жорий қилиш ва сифатини ошириш ҳисобига кенгайтириш, шунингдек капитални жалб қилиш ҳамда корхона, молиявий институтлар ва аҳолининг эркин ресурсларини жойлаштиришдаги муқобил манба сифатида фонд бозорини ривожлантириш» масаласи алоҳида қайд этиб ўтилган [1]. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4412-сон Қарорининг қабул қилиниши, суғурта компаниялари

фаолиятини инновацион ривожлантириш борасида туб ислохотларни амалга оширилишига замин яратди [2].

Таъкидлаш лозимки, кейинги йилларда суғурта компаниялари молиявий барқарорлигини таҳлил қилиш, суғурта компаниялари фаолиятини ривожлантириш борасидаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш юзасидан салмоқли ишлар амалга оширилган бўлсада, айнан молиявий барқарорликни баҳоловчи аниқ меъзонларни ишлаб чиқиш, мазкур кўрсаткичларни суғурта компаниялари фаолиятига кенг тадбиқ этиш, халқаро амалиётда суғурта компаниялари рейтингини аниқлашда фойдаланиладиган асосий молиявий коэффициентлардан фойдаланиш борасида бир қанча камчиликлар мавжуд. Шунга мувофиқ, иқтисодиётнинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этувчи суғурта компаниялари молиявий барқарорлигини ошириш орқали аҳоли ва юридик шахсларни мазкур бозорнинг фаол иштирокчисига айлантириш борасида илмий ва амалий ишларни амалга ошириш лозим.

АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Суғурта компанияларининг молиявий барқарорлик кўрсаткичлари ва уларни аниқлаш услугиётига доир хорижий ва мамлакатимиз иқтисодчи олимлари томонидан турлича ёндашув ва тарифлар келтириб ўтилган. Жумладан, Канаданинг Карлтон университети профессорлари Ч.Фридман ва К.Гудлетларнинг фикрича, компанияларнинг молиявий барқарорлик кўрсаткичларини аниқлаш ўзига хос мураккаб жараён бўлиб, аниқ бир кўрсаткичларни ўзи молиявий барқарорлик ҳолати бўйича тўлиқ тасаввурни шакллантириш имконини бермайди. Шунинг учун, иқтисодий тизимни ривожланиши билан бир қаторда замонавий молиявий барқарорлик кўрсаткичлари таҳлили ҳам мос равишда такомиллашиб боради. Молиявий барқарорликни баҳолашнинг аниқ механизми мавжуд эмас, чунки ушбу кўрсаткичларнинг ўзгаришига аксарият ҳолатларда давлатнинг пул-кредит сиёсати бевосита таъсир кўрсатади. Айниқса, сўнгги йилларда юз бераётган жажон иқтисодий-молиявий инқирозларнинг кузатилаётганлиги ана шу кўрсаткичларни ҳар томонлама тадқиқ этиб боришни тақозо этмоқда [3]. Ғарб иқтисодчи олимларидан бири Ж.Г.Шиназининг фикрича, молиявий тизим, агар иқтисодий ресурслар, молиявий ҳатарлар, уларни баҳолаш ва бошқаришни самарали тақсимлаш амалга оширилсагина барқарор ҳисобланади. Ушбу таъриф орқали муаллиф молиявий барқарорликка эришишнинг муҳим жиҳати ҳисобланган, яъни айнан рискларни баҳолаш ва уларни бошқаришга эътибор қаратади [4].

С.В.Куликов суғурта компаниясининг молиявий барқарорлигини икки хил ёндашув асосида кўриб чиқади. Хусусан, биринчи ёндашувга мувофиқ бу (молиявий барқарорлик) «молиявий воситалар умумий миқдорида ўз капиталининг белгиланган улушининг мавжудлиги», иккинчи ёндашувга мувофиқ эса, «корхонанинг молиявий ресурслари ҳолати, тўлов лаёқати ва кредит лаёқатини сақлаб қолишда капитал ва фойданинг ўсиши учун тақсимлаш ва фойдаланиш самарадорлиги» тушунилади [5]. Олимнинг қўшимча қилишича, молиявий барқарорликни тавсифлайдиган маълум бир

кўрсаткич ёки кўрсаткичлар тўплами мавжуд эмас ҳамда ҳар бир муайян ҳолатда маълум бир вазиятга мувофиқ молиявий барқарорлик кўрсаткичлар доирасини аниқлаш зарур. Суғурта компаниялари молиявий барқарорлигини таъминлашнинг амалий жиҳатларига доир қатор илмий мақолалар муаллифи А.П.Архиповнинг фикрича «Суғурта компаниясининг молиявий барқарорлик тушунчасини, бугунги кунда ва истиқболдаги бозорнинг бошқа иштирокчилари олдида ўз мажбуриятларини бажариш қобилияти сифатида таърифлаш мумкин. Молиявий барқарорлик бир томондан, суғурта компаниясининг ўз маблағларлари ва қабул қилинган суғурта мажбуриятлари нисбати сифатида, бошқа томондан эса, молиявий натижа олишга йўналтирилган фаолият: андеррайтерлик (рискни баҳолаш) ва тариф (суғурта рискига мос келадиган суғурта хизмати нархи) сиёсати, суғурта захиралари ва ўз маблағларини инвестиция қилиш, ҳамда рискни қайта суғурталаш ва бошқалар сифатида аниқланади [6]. Мамлакатимизда корхоналар молиявий барқарорлигини таъминлашнинг илмий ва амалий муаммоларига доир илмий тадқиқотлар олиб борган олим А.У.Бурхановнинг фикрига кўра, молиявий барқарорлик фойда олиш ва қарзларни тўлаш, корхона ўз фаолиятини молиялаш имконияти ва ресурслар айланиш тезлигининг бир маромда ривожланиб боришига асосланган корхоналар фаолиятининг комплекс кўрсаткичидир [7].

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Суғурта компаниялари молиявий барқарорлик кўрсаткичларини таҳлил қилишда, унга таъсир этувчи ташқи ва ички омилларни таснифлаш ва уларнинг асосий хусусиятларини очиб бериш муҳим аҳамият касб этади. Суғурта компаниялари молиявий барқарорлигига таъсир этувчи омилларни умумий ёндашувга мувофиқ ташқи (бошқариш имконияти мавжуд бўлмаган) ва ички (бошқариш имконияти мавжуд) омилларга ажратиш мумкин (1-расм). Таъкидлаш лозимки, суғурта компаниялари молиявий барқарорлигига таъсир этувчи асосий ташқи омиллардан бири мамлакатдаги мазкур тизимни тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари ҳисобланади. Айнан суғурта бозори фаолиятини тартибга солишнинг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларини мукамал даражада ишлаб чиқилганлиги компанияларда стратегик лойиҳаларни амалга ошириш, оптимал қарорлар қабул қилиш, молиявий барқарорликка эришиш асосида самарали фаолият юритишини таъминлайди. Бундан ташқари, суғурта компаниялари молиявий барқарорлигига таъсир этувчи асосий ички омиллар сифатида суғурта компанияларида корпоратив бошқарув механизмининг самарали ташкил этилиши, суғурта турлари ва хизматларининг диверсификациялаш имкониятлари, риск-менежментини тўғри ташкил этилиши, суғурта портфелини оптималлаштириш, суғурта захираларининг миқдори каби муҳим омилларни келтириб ўтиш мумкин.



1-расм. Суғурта компаниялари молиявий барқарорлигига таъсир этувчи омилларнинг таснифи¹

Юқорида олимлар томонидан “суғурта компаниялари молиявий бақарорлиги ҳақида тасаввурга эга бўлиш учун, аниқ миқдорий чегараланган молиявий кўрсаткичлар мавжуд эмас, балки ушбу кўрсаткичлар суғурта компаниясининг бир қанча хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда фарқланиши мумкин” деган асосий ғоясига асосланган ҳолда, молиявий барқарорлик кўрсаткичларини алоҳида кетма-кетликда таҳлил қиламиз.

Суғурта компанияларининг тўловга қобиллиги дейилганда, суғурта қилдирувчи олдида шартнома ёки қонунчилик ҳужжатлари билан келишилган шартларга мувофиқ пулли мажбуриятларни ўз вақтида тўлиқ бажара олиш

¹ Муалиф томонидан тузилган.

имконияти тушунилади. Суғурта компанияларининг тўловга қобиллигини аниқлашда унинг сектор ва тармоқ хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ёндашилади. Бундан ташқари молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва халқаро амалиётда ушбу кўрсаткични алоҳида хусусиятлари ҳам мавжуд. Жумладан, Европа иттифоқи давлатларида қабул қилинган тартибга мувофиқ, суғурта компанияларининг тўловга қобиллиги, тўлов қобилияти бўйича белгиланган стандарт миқдор (меъёр) билан жорий ҳолатини таққослаш йўли билан баҳоланади. Умуман олганда, суғурта компаниясининг тўловга қобиллик даражаси, компания томонидан мажбуриятларини бажара олиш учун хусусий капиталнинг етарлилик миқдори қандай деган саволга жавоб бериши лозим. Суғурта компаниялари молиявий барқарорлигини ифодаловчи яна бир муҳим кўрсаткичлар гуруҳи ликвидлилик коэффицентлари бўлиб, ликвидлилик коэффиценти суғурта компанияси томонидан ҳисобот йили мобайнида қисқа муддатли мажбуриятларини бажара олиш ҳамда кўрилган зарарлар ёки суғурта полислари бўйича тўловлар билан боғлиқ жорий харажатларни қоплай олиш имкониятини аниқлайди.

Суғурта компанияларининг молиявий барқарорлик кўрсаткичларини таҳлилни мамлакатимизда фаолият юритаётган йирик суғурта компанияларидан бири «Кафолат суғурта компанияси» акциядорлик жамияти мисолида кўриб чиқамиз. Компания томонидан 2019 йилнинг 9 ойлигида суғурта шартномалари сонини 650,0 мингтага, йил якунлари бўйича 920 мингтага етказилди (ўсиш 110,2%), суғурта мукофотлари ҳажми эса ҳисобот йили мобайнида 118,0 млрд. сўмга етган бўлса, йил якунлари бўйича 157,5 млрд. сўмга оширилган (ўсиш 148,4%). Бундан ташқари, чет эл суғурталовчи ва қайта суғурталовчилари билан алоқаларни кенгайтириш ва қайта суғурта операциялари бўйича тушумлар ҳажмини 2019 йилнинг 9 ойлиги бўйича да 1,5 млн. АҚШ долларга етказилган бўлса ушбу кўрсаткич, йил якунига келиб 2,0 млн.долларгача ошганлигини эътироф этиш мумкин (ўсиш ҳажми 2 баробар). Суғурта компаниялари молиявий барқарорлик ҳолатига таъсир этувчи омилларни таҳлили жараёнида таъкидлаб ўтканимиздек, компания хусусий капиталининг миқдори, активларининг ҳажми ва инвестиция сиёсати каби барқарорлик ҳолатига таъсир этувчи билвосита омиллар ҳисоблансада, ушбу молиявий кўрсаткичларнинг ҳолати бевосита тўловга қобиллик ва ликвидлилик коэффицентларни меъёрларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Шунга асосан, «Кафолат суғурта компанияси» акциядорлик жамияти молиявий барқарорлик кўрсаткичларини таҳлил қилар эканмиз, 2017 йилда компаниянинг активлар ҳажми 107,9 млрд.сўмни ташкил этган бўлса ушбу кўрсаткич 2019 йилнинг якунига келиб салкам 166,0 млрд.сўмга етганлигини таъкидлаш мумкин. Компания томонидан кейинги йилларда инвестицион қўйилмалар ҳажмини ошиб бораётганлиги компаниянинг диверсификациялашув имкониятларини ошириш билан бир қаторда молиявий барқарорлигини таъминлашда алоҳида ўрин тутмоқда. Худди шунингдек, суғурта захиралари ҳажми 2017 йилда 58099,7 млн.сўмни ташкил этган бўлса, икки йил мобайнида 46000,0 млн.сўмдан ўсиш ҳисобига 2019 йилга келиб 104112,7 млн.сўмдан

иборат бўлган. 2017 йилда жами инвестицион қўйилмаларнинг миқдори 43645,7 млн.сўмни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2019 йилнинг якунларига кўра деярли 2 баробарга ошган ҳолда 84031,3 млн.сўмга етган (2-расм).



2-расм. 2017-2019 йилларда «Кафолат суғурта компанияси» акциядорлик жамияти суғурта захиралари, активлар ва инвестиция фаолияти ҳажмини ўзгариш динамикаси, (млн.сўмда) [8]

Суғурта компаниялари ликвидлик коэффициентларини таҳлил қилишда умумий ва жорий ликвидлик, “хафлилик даражаси мавжуд” (критик) ликвидлик, пул захиралари ликвидлиги, тезкор ва мутлоқ ликвидлик сингари асосий кўрсаткичларига эътибор қаратиш лозим. «Кафолат суғурта компанияси» акциядорлик жамиятининг баланс умумий ликвидлиги таҳлил қилинаётган йиллар мобайнида ўсиш ва камайиш тенденциясига эга бўлган бўлсада, асосий коэффициентнинг ҳолати белгиланган меърдан камлигича қолмоқда (1-жадвал). Ушбу кўрсаткич суғурта компанияларининг тўловга қобиллигини нисбатан тўлиқ очиб берувчи кўрсаткичлардан бири бўлиб, компания томонидан қисқа муддатли мажбуриятларни бажариш учун жумладан, суғурта ходисаси рўй берган ҳолатларда ўз айланма маблағларини етарлилигини ифодалайди. Халқаро амалиёт бўйича белгиланган меъёр 1,0 дан катта бўлиши лозим. Мазкур минимал чегарани белгиланиши, суғурта компаниялари томонидан қисқа муддатли мажбуриятларни бажариш, суғурта тўловлари ва суғурта суммаларини суғурта захиралари миқдоридан тўлаш учун энг кам миқдорда керакли айланма капиталнинг ҳажмини белгилайди.


**«Кафолат суғурта компанияси» акциядорлик жамияти ликвидлилик
коэффициентлари таҳлили [9]**

№	Кўрсаткичлар	Белгиланган меъёр	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил
1.	Баланс умумий ликвидлиги	1,0 <	0,22	0,24	0,34	0,24	0,22
2.	Жорий ликвидлилик	1 дан 1,3 гача	0,21	0,23	0,33	0,23	0,21
3.	Критик ликвидлик коэффициенти	2 ≤	0,26	0,25	0,52	0,34	0,31
4.	Пул захиралари ликвидлиги	1,0 <	0,13	0,09	0,11	0,09	0,04
5.	Тезкор ликвидлик-1	1,0 <	4,25	4,22	3,92	4,82	6,97
6.	Тезкор ликвидлик-2	1,0 <	3,01	2,62	1,87	3,13	4,33
7.	Мутлоқ ликвидлик	0,5 – 1,0	0,15	0,093	0,101	0,13	0,11

Жорий ликвидлик коэффициенти суғурта компаниясининг асосий молиявий барқарорлик кўрсаткичларидан бири бўлиб, умумий ликвидликдан узоқ муддатли дебиторлик қарзларини чегириш орқали балансинг жорий ликвидлигини ифодалайди. Мазкур коэффициент суғурта компаниясининг жорий ҳолатини баҳолаш имконини беради ҳамда бир ҳисобот йили мобайнида ўзининг қисқа муддатли мажбурияларини жорий активлари ҳисобига бажара олиш имкониятини кўрсатади. Халқаро умум қабул қилинган стандартларга мувофиқ мазкур коэффициент 1 дан кичик бўлмаслиги ва 1 дан 1,3 гача ораликда бўлиши лозим. Таъкидлаш лозимки, 2015-2019 йиллар мобайнида «Кафолат суғурта компанияси» АЖнинг жорий ликвидлик коэффициенти бўйича белгиланган меъёрларнинг ярмига ҳам бормаганлиги салбий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Ўз навбатида, аниқланган нисбатнинг 1 дан кам бўлиши, суғурта компанияси ўзининг қисқа муддатли мажбуриятларини бажариш бўйича етарлича маблағлар мавжуд эмас эканлигини кўрсатади ҳамда компаниянинг молиявий риск даражаси юқорилигини англатади. Жорий ликвидлик коэффициентининг паст даражада бўлиши, янги суғурта хизматларини жорий этиш ва махсулотларини реализация қилишдаги қийинчиликлар, юқори дебиторлик қарзларнинг мавжудлиги ва бошқа сабабларга кўра келиб чиқиши мумкин.

Халқаро амалиётда суғурта компанияларининг молиявий барқарорлигини баҳолашда фойдаланиладиган муҳим кўрсаткичлар қаторига устав капитали рентабеллиги, умумий тўловга лаёқатлиликни қоплаш коэффициенти ва ўз маблағларини қарз маблағларига нисбати коэффициентларини киритиш мумкин. «Кафолат суғурта компанияси» АЖнинг 2015-2019 йиллар мобайнида устав капиталини рентабеллик коэффициенти мустаҳкамланиш тенденциясига

эга бўлиб, ушбу кўрсаткич 2015 йилда 0,09 ни ташкил этган бўлса 2019 йилга келиб 0,1 коэффицентга ўсиш ҳисобига 0,19 дан иборат бўлган (3-расм).



3-расм. «Кафолат суғурта компанияси» акциядорлик жамияти молиявий коэффицентлари таҳлили [10]

Устав капиталининг рентабеллиги, суғурта компанияларини устав капиталдан фойдаланиш самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткич бўлиб, ушбу кўрсаткич капиталдаги бир бирлик миқдорга (сўмга) қанча соф фойда тўғри келишини акс эттиради. Таъкидлаш лозимки ушбу коэффицентга аниқ бир меъёр белгиланмаган бўлсада, кўрсаткич қанча юқори бўлса, компания устав капиталига киритилган сармоядан шунчалик юқори самарага эришаётганлигини акс эттиради. Бундан ташқари ушбу кўрсаткич инвесторлар учун, мазкур компанияга сармояни киритиш орқали эришилган даромадини бошқа муқобил соҳага йўналтириб олиши мумкин бўлган даромад миқдорини таққослаш имконини беради. Юқорида таъкидлаганимиздек, «Кафолат суғурта компанияси» акциядорлик жамиятининг мазкур кўрсаткичи таҳлил қилинаётган даврда ўсиши, инвесторлар томонидан кутилаётган даромад миқдорини ошириш имконини бермоқда. Таҳлил қилинаётган давр мобайнида «Кафолат суғурта компанияси» акциядорлик жамиятининг ўз маблағларини қарз маблағларига нисбати коэффиценти ўсиш тенденциясига эга бўлган бўлсада, бунда энг юқори кўрсаткич 2017 йилга тўғри келаётганлигини кўриш мумкин. Умуман олганда, ушбу кўрсаткич молиявий барқарорликни ифодаловчи муҳим кўрсаткичлардан бири бўлиб компания ўз капиталининг миқдори қарз маблағлари миқдоридан қанчалик кўплигини кўрсатиб беради. Халқаро умум эътироф этилган меъёрларга мувофиқ ушбу кўрсаткич 1 дан юқори бўлиши тавсия этилади, чунки коэффицентнинг миқдори қанчалик юқори бўлса компания ўз мажбуриятларини мос равишда бажара олиш имкониятга эга эканлигини кўрсатади.

ХУЛОСА

Суғурта компанияларининг молиявий барқарорлигини баҳолаш молия бозорининг барча иштирокчилари учун муҳим вазифалардан бири саналади. Суғурта компаниялари молиявий барқарорлиги фақатгина маълум бир кўрсаткичлар доирасида баҳолаш мураккаб бўлган жараён ҳисобланади. Шунинг учун юқорида таъкидлаганимиздек, молиявий барқарорлик кўрсаткичларини баҳолашда молиявий коэффицентлардан ташқари, барча ташқи ва ички омилларни ҳисобга олиш лозим.

Бугунги кунда устав капиталида давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари фаолият самардорлигини баҳолашга доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқилган бўлсада, ушбу Низом қоидалари тижорат банклари ва суғурта компанияларига нисбатан татбиқ этилмайди. Бизнингча, суғурта компаниялари фаолият самардорлиги ва молиявий барқарорлигини баҳолашда халқаро стандартлар ва халқаро рейтинг агентликлари ҳисоблаш методикасига асосланган Низом ишлаб чиқилиши ва амалиётга татбиқ этилиши лозим. Бунинг натижасида эса, суғурта компаниялари ўртасида рақобат муҳитини ривожлантириш билан бирга инвестицион жозибаторлигини янада ошириш имконияти вужудга келади.

«Кафолат суғурта компанияси» акциядорлик жамиятининг айрим молиявий барқарорлик кўрсаткичлари паст даражада сақланиб қолаётган бўлсада, таҳлил қилинаётган давр мобайнида тезкор ликвидлилик коэффицентларининг 1 ва 2 ҳолатида ҳам юқори кўрсаткичларга яъни, биринчи кўрсаткич бўйича белгиланган меъёрдан ўртача 4-4,5 баробар юқори ҳамда иккинчи кўрсаткич бўйича белгиланган меъёрдан ўртача 2,5-3 баробар юқори эканлигини эътироф этиш мумкин. Бу эса ўз навбатида, компания томонидан қисқа ва узоқ муддатли мажбуриятларни бажариш бўйича юқори ликвидли активларнинг етарли даражада эканлигини кўрсатиб беради. Бундан ташқари, 2015-2019 йиллар мобайнида умумий тўловга лаёқатлиликни қоплаш коэффицентининг юқорида даражада сақланиб қолаётганлиги ва йиллар бўйича ўсиш тенденцияси кузатилаётганлиги, компания томонидан суғурта ходисалари бўйича тўловлар, кредиторлар олдидаги ва бошқа мажбуриятларни бажариш бўйича етарлича молиявий имкониятга эга эканлигини намоён этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4412-сон Қарори.

3. Charles Freedman Clyde Goodlet. Financial Stability: What It Is and Why It Matters. No. 256, November 2007. C.D. Howe Institute Commentary: <https://www.researchgate.net/publication/23799588>
4. Garry J. Schinasi, 2005, Safeguarding financial stability: theory and practice/Garry J. Schinasi – Washington, D.C.: International Monetary Fund. -pp. 94-97
5. Куликов С.В. Методология страховой науки//Вестник НГУЭУ. – 2008. - №1
6. Архипов А.П. Финансовый менеджмент в страховании М.: Финансы и Статистика; ИНФРА-М, 2010.-320 с.:
7. Бурханов А.У. Корхоналар молиявий барқарорлиги: назария ва амалиёт Монография. – Т.: «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи», 2019. 160 б.
8. http://www.kafolat.uz/uz/content/about/financial_results/-«Кафолат суғурта компанияси» акциядорлик жамиятининг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.
9. http://www.kafolat.uz/uz/content/about/financial_results/-«Кафолат суғурта компанияси» акциядорлик жамиятининг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.
10. http://www.kafolat.uz/uz/content/about/financial_results/-«Кафолат суғурта компанияси» акциядорлик жамиятининг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.